

Муаллифлар: Аликулов К

Яратилган йили: Ангрен 2005

Категория: Педагогика

Булм: Спорт турларидан хакамлик назарияси

Институт: Тошкент Вилоят Давлат Педагогика Институти

Факулътет: Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

Кафедра: Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТАБИИЁТ ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КАФЕДРАСИ

«СПОРТ ТУРЛАРИДАН ЎҚИМЛИК НАЗАРИЯСИ»

ФАНИНИНГ ФУТБОЛ СПОРТ ТУРИДАН

УСЛУБИЙ ЎЎЛЛАНМА

Ангрен-2005

а³амияти

Тузувчи: ТВДПИ

Жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси Алишуров К.И

Таъризчилар: Ангрен педагогика билим юрти директори

П.ф.д. Абдиев А.Н.

Жисмоний тарбия кафедраси мудири

катта ўқитувчи Жуманов О.С

Ушбу ўқуланма ТВДПИ нинг 2005 йил ўтказилган илмий
кенгашининг № баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Аннотация

Футбол кенг халқ оммасини жисмоний ривожлантиришининг, унинг саломатлигини мустаҳкамлашининг энг оммабоп, бинобарин, энг оммавий воситасидир. Бу катталарга ҳам, ўсмирларга ҳам, болаларга ҳам бирдек маъқул бўлган чинакам халқчил ўйиндир.

СЎЗ БОШИ.

Футбол кенг халқ оммасини жисмоний ривожлантиришнинг, унинг саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг оммабоп, бинобарин, энг оммавий воситасидир. Бу катталарга ҳам, ўсмирларга ҳам, болаларга ҳам бирдек маъқул бўлган чинакам халқчил ўйиндир.

Футбол ўйининг негизида ўйинчиларни умумий мақсад- ғалабага интилиш бирлаштириб турган жамоалардан иккитасининг кураши ётади. Ғалабани қўлга киритишга интилиш футболчиларни жамоа бўлиб ҳаракат қилишга, бир- бирига ўзаро ёрдам беришга ўргатади, дўстлик ва ўртоқлик туйғуларини тарбиялайди.

Футбол машғулотлари ва мусобақалари кўпинча иқлим ва метеорология шароити кескин ўзгариб кетадиган шароитда қарийб йил бўйи давом этгани учун, бу ўйин жисмоний жиҳатдан чиниқишга ҳам, организмнинг қаршилик кўрсатиш қобилияти ортиши ва адаптация имкониятлари кенгайишига ҳам ёрдам беради.

Афсуски, футбол бўйича адабиётимиз, айниқса ўзбек тилида жуда кам. Лекин футбол ўйини ҳаммага ёқади. Футболни барча ёшдаги одамлар ўйнайдилар, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос қонун қоидалари бор. Худди шундай футболнинг ҳам аниқ белгиланган қонун қоидалари бор. Кейинги вақтларда юз берган қоидалардаги ўзгаришлар ҳам курсатиб ўтилган. Шу боис бу ўқув услубий қўлланма жисмоний тарбия мутахассислигидаги талабалар, ёш ўқитувчилар ва тарбиячиларга мўлжалланган. Уларга ёрдам беради деган умиддамиз.

Футбол ўйинининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Футбол бу «оёқтўпи» деган маънодаги инглизча сўз бўлиб, Франция, Испания, Россияда шу ном сақланиб қолган. Немисларда у «фусболь», Венрияда «лабдурагош», Италияларда «кальчио», Югославларда «нагомет», Америкада «соккер» дейилади. Футболнинг халқ, оммасини жисмоний ривожлантиришнинг, унинг саломатлигини мустахкамлашнинг энг оммабоб, воситасидир. Бу катталарга ҳам, ўсмирларга ҳам, болаларга ҳам бирдек маъқул бўлган чинакам ўйин.

Футбол бу чинакам атлетик ўйин. У тезкорлик, чаққонлик, кучлилиқ ва сакровчанликни ривожлантиришга ёрдам беради. Футболчи ўйин пайтида хаддан ташқар кўп иш бажаради. Бу эса одамнинг функционал имкониятлари даражасини оширишга, маънавий, иродавий хислатларини тарбиялашга ёрдам беради. Футбол ўйнаш умумий жисмоний тайёргарлик кўришда яхши восита бўлиб хизмат қила олади. Ўйналишни ўзгартириб хилма-хил югуриш, сакрашнинг турли хиллари, структура жихатдан турлича гавда ҳаракатлари, тўпни тепиш, тўхтатиб олиш ва олиб юриш, максимал тезликда ҳаракат қилиш, иродавий хислатларнинг, тактик тафаккурнинг камол топиши кабилар, футболни ҳар қандай ихтисосдаги спортчига зарур бўлган кўпгина муҳим хислатларни ўстирадиган спорт ўйини деб ҳисоблаш имкониятини беради.

Ҳозирги замон футболининг «аждоди» бундан икки минг йил аввал қадимги Шарқ халқлари ва антик дунё давлатлари Греция ва Римда маълум бўлган «Гарпонон» (ўша пайтда футбол шундай аталар эди) ўйинини ўйнаган қадимги Греция ўсмирлари майдон ўртасидан туриб тўпни рақиблар томонига ўтказишган, Гой Юлий Цезарнинг римлик лигионерлари тўпни ҳар қандай усул ва приёмларни қўллаган ҳолда устунлар орасига киргизишга ҳаракат қилганлар. Ўрта асрларда ўйин кенг тус олди. Бунда кўча ва кишлоқлар майдон ўрнида хизмат қиларди. Мусобақалар кун ўртасида бошланар эди ва қоронғу тушганча давом этарди. Тўпни бутун шаҳар бўйлаб маълум бир жойгача суриб келишга эришган «команда» ғолиб ҳисобланарди. Ўйин тартибсиз бир ур йиқитга ўхшар, кўп ҳолларда қон тўқар, муштлашишгача бориб етарди. Шу сабабдан ва «жин ўйин» сифатида инглиз қироллари футболни кўп марта тақиқлаганлар. Бу тақиқ 200 йил амалда бўлди.

XIX аср ўрталарига келиб, спорт методи жисмоний тарбиянинг энг мақбул методи деб топилиб, спорт ҳамда спорт ўйинлари жисмоний ривожланишининг самарали воситаси бўлиб қолгандан кейин футбол тарихида янги босқич бошланди.

Оёқда тўп ўйнаш биринчи галда инглиз коллежлари ҳамда университетларида ёйилди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан футбол ўйинида очиқ ойдин икки йўналиш таркиб топади. Улардан бирини Лондон ҳамда Кембриж коллежлари қўллаб қуватлар эди. Булар 1863 йили футбол

ассоциацияси тузадилар ва юмалок тўпни оёқда ўйнаши расм қилишга қарор қиладилар. 1848 йили Кембриж футбол клуби биринчи бор ягона ўйин қоидаларини жорий қилади ва бу қоидаларни нашр этишга қарор қилинади. Афсуски, улар босмадан чиқмай йўқолиб кетади. Бизгача етиб келган қоидалар 1863 йил 8 декабрда эълон қилинган. Бу қоида 13 банддан иборатдир. Ҳозир биз билган футбол ана шундай пайдо бўлган. 1863 йилги қоидалар ҳозирги қоидалардан фарқ қилган. 1871 йили голкипер (дарвозабон) ларга қўлда ўйнаш рухсат берилди.

Бурчакдан тўпни киритиш 1873 йилда киритилди. 1875 йили устунларни бирлаштириб турган арқон ердан 2,44 м баландликда ётқизилган тўсинга алмаштирилди. 1882 йили 4та мустақил футбол иттифоқи Англия, Шотландия, Уэльс ва Ирландия футбол иттифоқлари бирлашдилар. Футбол майдонида ҳакам биринчи марта 1880 – 1881 йилларда иштрок этадиган бўлди. 1891 йили ҳакам майдонга иккита ёрдамчиси билан тушадиган бўлди. Халқаро миқёсидаги дастлабки футбол ўйини 1873 йили Англия ва Шотландия футбол жамоалари ўртасида бўлган эди. Футбол 1875 йилда Голландияда ўйнала бошланди, 1882 йилдан Швейцарияда, 1890 йилдан Чехияда, 1894 йилдан Австрияда, 1897 йилдан Россияда ўйнала бошлади.

1904 йили Халқаро футбол ассоциацияси (ФИФА) тузилади. Ҳозир унинг составида 190 га яқин мамлакат бор. 1954 йилдан бери Европа футбол иттифоқи УЕФА ҳам ишлаб турибди. Унга 50 га яқин мамлакат аъзо бўлиб кирган. 1930 йилдан бери ҳар тўрт йилда жаҳон чепионати, 1958 йилдан бери эса Европа чемпионати утказилиб келинмоқда 1908 йили футбол олимпия ўйинлари дастурига киритилди. УЕФА раҳбарлигида қуйдаги кубок ўйинлари ўтказилиб туради:

Европа чемпионлари кубоги (1956 йилдан бери).

Кубок эгалари кубоги (1961 йилдан бери).

Булар эндиликда УЕФА кубоги деб юритилади.

Футбол ўйин майдони.

Ўлчамлар.

Ўйин майдони тўғри бурчак шаклида бўлади. Ён чизиклар дарвоза чизигига нисбатан узунроқ бўлиши керак.

Узунлиги: 120м, 90м.

Эни: 45м, 90м.

Ҳалқаро матчларда.

Узунлиги : минимум 100м.

максимум 110м.

Эни : минимум 64м.

максимум 75м.

Белгилар.

Майдон учун белгилар чизиклар ёрдамида амалга оширилади.

Бу чизиклар улар чегаралаб турган майдонга киради. Ўйин майдонини чегаралаб турган 2та узун чизиклар ён чизиклар 2та қисқаси дарвоза чизиклари дейилади. Ҳар қандай чизиклар эни 12 см дан ошмаслиги керак.

Ўйин майдони урта чизик ёрдамида 2 ярим қисмга бўлинади.

Ўрта чизик ўртасида майдон маркази белгиланади. Майдон марказидан 9,15м радиусда айлана ўтказилади.

Дарвоза майдони.

Дарвоза майдони ҳар иккала ярим қисмининг охирида қўйидагича бўлади. Дарвозанинг ҳар қайси устуни ички томонидаги нуқтадан 5,5 м масофада дарвоза чизигига тўғри бурчак қилиб майдон ичига 2 чизик тортилади. 5,5 м масофада бу чизиклар дарвоза чизигига параллель қилиб бошқа чизик билан бирлаштирилади. Бу чизиклар ва дарвоза чизиги чегаралаб турган зона, дарвоза майдони дейилади.

Жарима майдони.

Жарима майдони ҳар иккала ярим қисмининг охирида қўйидагича бўлади.

Дарвозанинг ҳар қайси устуни ички томонидаги нуқтадан, 16,5м масофада дарвоза чизигига тўғри бурчак қилиб, майдон ичига икки чизик тортилади. 16,5м масофада дарвоза чизигига параллель ҳолатда бошқа чизик билан бирлаштирилади. Бу чизиклар ва дарвоза чизиги чегаралаб турган зона жарима майдони дейилади. Ҳар қайси жарима майдони ичида дарвозанинг икки устуни ўртасида бир ҳил масофада жойлашган нуқтадан 11 м масофада 11 метрлик белги қўйилади. Жарима майдончаси ташқарисида 11 метрлик нуқта марказ қилиб олиниб 9,15 м. масофада айлана чизилади.

Байроқлар

Майдоннинг ҳар қайси бурчакларида баландлиги 1,5 м дан ошмаган, учи ўткир бўлмаган байроқ ўрнатилади.

Байроқлар ўрта чизиқнинг ҳар иккала томонида, ён чизиқдан 1м масофадаги узоқликда ўрнатилиши мумкин.

Бурчак сектори.

Ҳар қайси бурчак байроғидан ўйин майдони ичига қараб 1м радиусда айлана тортилади.

Дарвоза.

Ҳар қайси дарвоза чизиғининг марказида дарвоза жойлашади.

Улар бурчак байроқлари билан бир хил масофада жойлашган, тепадан горизонтал тусин билан бирлаштирилган икки вертикал ҳолатдаги устундан иборат.

Устунлар оралиғи - 7,32 м. Тусиннинг пастки қисмидан текис ергача бўлган масофа – 2, 44 м.

Ҳар икки устун ва тусин кесишган жой бир хил бўлиши ва 12 см дан ошмаслик керак.

Дарвоза чизиғининг эни устунлар ва тусин эни билан бир хил бўлади. Дарвоза ва дарвоза орқасидаги ерга тўр ўрнатилади. Тўр ишончли ўрнатилган ва дарвозабонга ҳалақит бермайдиган бўлиши керак. Дарвозанинг устунлари ва тусини оқ рангда бўлиши керак.

Хавфсизлик.

Дарвоза ерга ишончли ўрнатилган бўлиши керак. Кўчирма дарвозадан фойдаланишга рухсат берилади, агар дарвоза ушбу қоида талабларига жавоб берса.

ХАЛҚАРО ЎИҒИН ҚАРОРИ.

Агар дарвоза тўсини қийшайса ёки синса, токи тўсин тузатилмагунча ёки алмаштирилмагунча ўйин тўхтатилади. Агар тузатишнинг имкони бўлмаса матч тугалланади. Тусиннинг ўрнига арқон ишлатиш мумкин эмас. Агар тусинни тузатишнинг иложи бўлса ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан « бахсли тўп » билан ўйин давом этирилади.

Тусин ва устунлар ёғочдан, металдан ёки рухсат берилган стандартга мос материалдан тайёрланади. Уларнинг кўндаланг кесишган жойи квадрат тўғри бурчак айлана ёки эллипс шаклида бўлиши мумкин: улар ўйинчиларга хавф туғдирмаслиги керак

Жамоанинг майдонга чиққан вақтидан бошлаб уларнинг танаффусга чиққунларигача, танаффусдан сўнг уларнинг майдонга қайтиб чиқишларидан то матч тугагунга қадар ўйин майдонида ва унинг жихозларида ҳеч қандай рекламага рухсат берилмайди.

Дарвоза, сетка, байроқларда ҳар қандай реклама кўринишларидан фойдаланишга рухсат берилмайди. Бу нарсаларга четдан ҳеч қандай жихозлар маҳкамланиб қўйиши мумкин эмас масалан (камералар, микрофонлар)

Техник зона доирасидаги ерда ва ён чизиқдаги 1м масофада ўйин майдонининг ташқарисида ҳеч қандай реклама бўлмаслиги керак.

Дарвоза чизиғи ва дарвоза сеткаси ўртасида ҳам рекламага рухсат берилмайди.

Ўйин майдони ташқарисида бурчак ёйидан 9,15 м масофада дарвоза чизиғига тўғри бурчак остида белги қўйилиши мумкин, бурчак тўпи бажарилганда шу масофага риоя қилишни таъминлаш учун.

Футбол тўпининг ўлчамлари ва сифатлари.

Тўп :

- Чармдан ёки шунга ўхшаш материалдан айлана шаклда тайёрланган бўлади.
- Айланасининг узунлиги 70см дан ошмаган ва 68 см дан кам бўлмаган ҳолатда бўлади.
- Мусобақа бошланиш вақтида 450 граммдан ошмаган ва 410 граммадан кам бўлмаган бўлиши керак.
- Ҳаво босими 0,6 – 1,1 атмосфера (600-1100 грамм кв см) бўлиши керак.

Яроқсиз тўпни алмаштириш.

Агар тўп ўйин вақтида яроқсиз ҳолга келса.

- Ўйин тўхтатилади.
- Тўп яроқсиз ҳолга келган жойдан « бахсли тўп » ўйини билан ўйин янгиланади.

Агар тўп ўйинда бўлмаган вақтда ёрилса ёки йиртилса – бошланғич зарбада, дарвозадан зарбада, бурчак, жарима, эркин зарбаларда, 11м нуқтадаги зарбада ёки ташлашда.

- Ўйин қоидасига мос равишда янгиланади.

Тўп ўйин вақтида фақатгина ҳакам кўрсатмаси билан алмаштирилиши мумкин.

ХАЛҚАРО ЎЙИН ҚАРОРИ.

Расмий мусобақаларда қоидаларда кўрсатилган техник талабларга жавоб берадиган тўпларгагина рухсат берилади.

FIFA томонидан ўтказиладиган мусобақа матчларида, қуйидаги 3 маркировкадан бирортасига эга бўлган тўпларгагина фойдаланишга рухсат берилади.

Расмий логотип “FIFA APPROVED” (ФИФА мақуллайди)

Расмий логотип “ FIFA INSPECTED” (ФИФА назорат қилган)

ёки “INTERNATIONAL MATCH – BALL STANDARD”

(Тўп халқаро стандартга мос)

Тўпнинг бундай маркировкаси унинг расмий текширувдан ўтганини кўрсатади ва текширув натижасига кура тўп муҳим техник талабларга мос эканлигини билдиради.

Миллий федерациялар мусобақа вақтида фақатгина шу уч маркировкага эга ҳар қандай тўплардан фойдаланишни талаб қилиш мумкин.

Бошқа ҳар қандай матчлардан тўп қоида талабларига мос келиши керак.

ФИФА мусобақаларида ва миллий федерациялар ташкил қилган мусобақаларда тўпларга ҳеч қандай савдо сотиққа оид рекламага рухсат берилмайди, қуйидаги ҳолатни ҳисобга олмаганда яъни мусобақа нишони, мусобақа ташкилотчиси ва тасдиқланган тайёрловчининг савдо маркаси.Бундай муҳрларнинг сони ва ўлчами, мустақил регламенти билан чекланиши мумкин

ЎЙИНЧИЛАР СОНИ.

Ўйинчилар.

Матч ҳар қайсисида дарвозабонларни қўшган ҳолда ўйинчиларнинг сони 11тадан ошмаган икки жамоа иштирокида ўтказилади

Агар жамоаларда ўйинчилар сони 7та кам бўлса,матч бошланмаслиги мумкин.

Расмий мусобақалар.

FIFA ёки миллий федерациялар томонидан ташкил қилинадиган ҳар қандай расмий мусобақаларда 3тагача ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилади. Мусобақа низомида буюртмага киритиладиган захирадаги ўйинчилар сони 3дан 7гача узаро келишилган бўлиши керак,бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бошқа матчларда.

Бошқа матчларда захира алмаштирилиши мумкин ,шу шарт биланки,

*Жамоалар алмашинадиган ўйинчиларнинг максимал сонини ўйин олдидан келишиб оладилар

*Ҳакам бу ҳақда матч бошланишидан олдин хабардор қилиниши керак.

Агар ҳакам хабардор қилинмаган бўлса ёки (келишув) матч бошлангунга қадар бир битимга келинмаган бўлса 3тагача захира алмаштиришга рухсат берилади.

Ҳамма матчларда.

Ҳар қандай матч бошланишидан олдин ҳакамга захирадаги ўйинчилар фамилияси тақдим этилиши керак .Шу усулда фамилияси кўрсатилмаган ўйинчилар матчда қатнаша олмайдилар.

Алмаштириш тартиби.

Асосий ўйинчиларни захирадаги билан алмаштириш учун қуйидаги шартларни бажариш зарур.

*Ҳар қандай мўлжалланган алмаштириш ҳақида ҳакам хабардор қилинган бўлиши керак.

*Захирадаги ўйинчи фақатгина асосий ўйинчи майдондан чиққандан сўнг ҳакам хуштагидан кейин майдонга чиқади.

*Захирадаги ўйинчи ўйин тўхтатилганда фақат ўрта чизикдан ўйин майдонига киради.

*Захирадаги ўйинчи майдонга чиққандан сўнг алмаштириш тугалланган ҳисобланади.

*Шу вақтдан бошлаб захирадаги ўйинчи асосий таркиб ўйинчиси ҳисобланади, алмаштирилган ўйинчи эса асосий ўйинчи ҳисобланмайди.

*Алмаштирилган ўйинчи матчда бошқа иштирок эта олмайди.

*Ҳамма захирадаги ўйинчилар ўйинга қатнашиш ёки қатнашмасликларидан қатъий назар ҳакам ваколатларига бўйсундилар.

Дарвозабоннинг алмаштирилиши.

Бошқа ҳар қандай ўйинчилар дарвозабон билан жойларини алмашишлари мумкин шу шарт биланки;

*Ҳакам бу ҳақда алмашинишдан олдин хабардор қилинган бўлиши керак.

*Алмашиниш матч тўхтаганда амалга оширилади.

Қоида бузилиши ва жазо.

Агар захирадаги ўйинчи ҳакам руҳсатисиз майдонга чиқса

*Ўйин тўхтатилади.

*Захирадаги ўйинчи сариқ карточка кўрсатилиш билан огохлантириш олади ва унинг майдондан чиқиши сўралади

*Ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан, « бахсли тўп » ёрдамида ўйин янгиланади.

Агар ўйинчи ҳакам руҳсатисиз дарвозабон билан жой алмашса:

* ўйин давом этади.

* тўп кейинги марта ўйиндан чиққанда қоидани бузган ўйинчилар сариқ карточка кўрсатиши билан огохлантириш оладилар.

Бошқа ҳар қандай шу қоиданинг бузилишида:

* Шунга мувофиқ ўйинчилар сариқ карточка кўрсатиш билан огохлантириш оладилар.

Ўйиннинг қайтадан бошлаш.

Агар ўйин ҳакам томонидан огохлантириш бериш учун тўхтатилса:

* Ўйин рақиб жамоа ўйинчиси томонидан ўйин тўхтатилганда тўп қаерда бўлса шу жойдан эркин зарба билан ўйин янгиланади.

Асосий таркибдаги ва захирадаги, чиқариб юборилган ўйинчилар.

Бошланғич зарбадан олдин чиқариб юборилган ўйинчи, фақатгина рўйхатдаги захира ўйинчилардан бирортаси билан алмаштирилиши мумкин.

*Матч протоколида бошланғич зарбадан олдин ёки ўйин бошлангандан сўнг чиқариб юборилган захирадаги ўйинчини алмаштиришга йўл қўйилмайди.

ХАЛҚАРО ЎИҒИН ҚАРОРИ.

Ўйин давомида жамоанинг расмий кишиси ўйинчиларга тактик кўрсатмалар беришга ҳуқуқи бор, лекин бундан сўнг у тезда жойига қайтишга мажбур. Ҳамма расмий кишилар техник зона доирасида бўлишлари мажбурдир:

Улар узларини одобли тарбияли хуш муомалали ва жавобгар хис қилиши (тутишлари) керак.

ЎЙИНЧИЛАР ЭПИКИРОВКАСИ.

Хавфсизлик.

Ўйинчи ўз хаётига ёки бошқа ўйинчи хаётига хавф солувчи бирор нарса тақмаслиги ёки киймаслиги керак.

Эпикировка.

Ўйинчилар мажбурий экипировка элементлари ҳисобланади.

- Кўйлак ёки футболка.
- Калта иштон – агар калта иштон тагидан ички кийим кийиладиган бўлса, ички кийим ранги калта иштон рангидан бўлиши керак.
- Гетралар.
- Оёқ қалқони.
- Оёқ кийим .

Щитлар

- Тўлик гетра билан ёпилади.
- Тўғри келадиган (мос келадиган) материалдан (резина, пластик ёки шунга ухшаш) тайёрланади.
- Етарли даражада ҳимоя билан таъминлайди.

Дарвозабонлар.

- Дарвозабонлар кийимининг ранги бошқа ўйинчилар хакам ва хакам ёрдамчилари кийими рангидан фарқ қилиши керак.

Қоида бузилиши ва жазо.

Шу қоиданинг ҳар қандай бузилишида:

- Ўйинни тўхтатишнинг ҳолати йўқ.
- Хакам ўйинчининг ўз экипировкасини тартибга келтириши учун майдондан чиқишини сўрайди. (маслаҳат беради)
- Ўйинчи тўп ўйиндан чиққан вақтда майдонни ташлаб чиқади (чиқиб кетади) агар шу пайтгача у ўз экипировкасини тартибга келтирмаган бўлса.
- Хакам талаби билан ўз экипировкасини тартибга келтириш учун майдонни ташлаб чиққан ҳар қандай ўйинчи, хакам рухсатсиз яна майдонга қайтиши мумкин эмас.
- Ўйинчининг яна майдонга чиқишига рухсат беришдан олдин, хакам унинг экипировкасини текширади.
- Ўйинчи яна майдонга чиқиши мумкин, қачонки: тўп ўйиндан чиқса. Шу қоидани бузганлиги сабабли майдондан чиқиши сўралган ўйинчи (ёки яна қайтаётган) хакам рухсатсиз майдонга чиқса сариқ карточка кўрсатиш билан огоҳлантириш олади.

Ўйинни қайтадан бошлаш.

Агар хакам огоҳлантириш бериш учун ўйинни тўхтатса :

- Ўйин қарши жамоа ўйинчиси томонидан ҳакам ўйинни тўхтатган вақтда тўп қаерда бўлса, шу жойдан эркин тўп тепиш билан ўйин қайтадан бошланади.

ҲАКАМ.

Ҳакам ваколати.

Ҳар қандай матч ҳамма ваколатга эга бўлган ҳакам томонидан назорат қилинади ва ўйин қоидасига риоя қилинишини таъминлайди.

Ҳакамнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари.

Ҳакам:

- Ўйин Қоидасига риоя қилинишини таъминлайди.
- Матчнинг боришини ўз ёрдамчилари билан назорат қилади.
- Фойдаланиладиган ҳар қандай тупни 2 Қоида талабларига мос келишини таъминлайди.
- Ўйинчилар кийими 4 Қоида талабларига мос келишини таъминлайди.
- Ўйин хронометражани ва матчни ёзиб боради.
- У ўз ихтиёрига кўра ўйинни тўхтатиши вақтинчалик тўхтатиши ёки ҳар қандай қоида бузилишида ўйинни умуман тўхтатиб қўйиши мумкин.
- Тўхтатиши, вақтинчалик тўхтатиши ёки ҳар қандай четдан бўлган аралашувга матчни умуман тўхтатиб қўйиш мумкин.
- Матчни тўхтатади, агар унинг фикрича ўйинчи жиддий жароҳат олган ва ўйинчини майдондан олиб чиқишини таъминлайди.
- Агар унинг фикрича ўйинчи унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жароҳат олган бўлса тўп ўйиндан чиқмагунча ўйинни давом эттиришига рухсат бериши мумкин.
- Ўйинчидан қон оқаётган бўлса, унинг майдондан чиқишини таъминлайди. Ҳакам қон оқишининг тўхтаганига ишонч ҳосил қилиб, сигнал берганидан сўнг ўйинчи майдонга қайтиши мумкин.
- Қачонки ўйинчи бирданига бир нечта қоида бузилишига йўл қўйса, уни мухимрок (оғиррок) бўлган қоида бузилиши учун жазолайди.
- Огохлантириши ёки чиқариб юбориш билан жазоланадиган қоида бузилишларига йўл қўйган ўйинчиларга нисбатан интизом чораларини қабул қилади. У бундай чораларни тез қабул қилишга мажбур эмас, лекин тўп ўйиндан чиққан захотиёқ қабул қилиши кеарк.
- Ўзларини тарбияли, маданиятли тутмаган жамоа расмий кишиларга нисбатан чора қабул қилади ва ўз ихтиёрига кўра майдондан (техник зонадан) чиқариб юбориши мумкин.
- Ҳакам ўзи кўрмай қолган ҳолатлар бўйича ўз ёрдамчилари тавсиясига асосланиб ҳаракат қилади.
- Бегона шахслар майдонда бўлмасликларини таъминлайди.
- Матч вақтинчалик тухтатилгандан кейин уни янгилайди.
- Матч давомида ўйинчиларга ёки жамоанинг расмий шахсларига

нисбатан қўлланилган интизом чоралари ва ҳар хил матчдан олдин, матч давомида ёки матчдан сўнг юз берган ҳолатлар бўйича тегишли ташкилотга билдиришнома беради.

Ҳакам қарори.

Ўйинга боғлиқ воқеалар бўйича ҳакам қарори қатъий ҳисобланади. Ҳакам ўз қарорини фақат шундай ҳолатларда ўзгартириши мумкин, агар у қарорини хато эканлигини ёки ёрдамчилари тавсияси билан тушуниб етса, лекин шу шарт биланки у ҳали ўйинни янгиламаган бўлса

ХАЛҚАРО ЎЙИН ҚАРОРИ.

Ҳакам (ёки шароитга қараб ёрдамчи ёки захирадаги ҳакам) фуқоролик жавобгарлигига тортилмайди:

- Ҳар қандай ўйинчи расмий шахс ёки томошабин томонидан олинган жароҳат (учун).
- Ҳар қандай мулкка етказилган зарар учун.
- Матчни ташкил қилиш, ўтказиш ва бошқаришда зарур бўлган ёки ўйин қондаси талабларига мос қабул қилинган қарорлар оқибатида юзага ёки юз берган ҳар қандай клуб, компания, уюшма ёки ташкилотга етказилган ҳар қандай зарар учун.

Буларга кириши мумкин :

- Майдон ҳолатига кўра ёки об ҳаво шароитига кўра матчни ўтказишга ижозат берса бўладими, йўқми.
- Бирон бир сабабга кўра матчни тўхтатиш тўғрисидаги қарор.
- Матч давомида фойдаланиладиган ускуна ёки жиҳозлар ҳолати тўғрисида қарор, дарвоза устун, тусини, бурчак байроқлари ва тўпни қўшган ҳолда .
- Томошабинлар аралашуви сабабли ёки томошабинлар учун ажратилган зонада юз берган муаммолар учун матчни тўхтатиш ёки тўхтатмаслик тўғрисидаги қарор.
- Жароҳат олган ўйинчи тиббий ёрдам кўрсатилиши учун майдондан чиқишига рухсат бериш учун ўйинни тўхтатиш ёки тўхтатмаслик тўғрисида қарор.
- Жароҳат олган ўйинчидан унга тиббий ёрдам кўрсатиш учун майдондан чиқишини сўраш ёки талаб қилиш тўғрисидаги қарор.
- Ўйинчига айрим кийим ёки экипировка предметларини тақиб юришга рухсат бериш ёки рухсат бермаслик тўғрисидаги қарор.
- Ҳар қандай шахсларга (жамоанинг ёки ўйингоҳ расмий кишилари, хавфсизлик хизмати вакиллари, суратчи ёки бошқа оммавий ахборот вакиллари қўшган ҳолда) тўғридан тўғри майдон яқинида бўлишларига рухсат бериш ёки рухсат бермаслик (унинг мажбуриятлари доирасида бўлса) тўғрисида қарор.
- Ўйин қондасига мос келувчи ёки ФИФА регламенти ёки қоида шартларига кўра унинг вазифасига кирувчи бошқа ҳар қандай қарор.

Захирадаги ҳакам тайинланадиган мусобақа ёки турнирларда, унинг роли ва мажбурияти, Ҳалқаро йиғин томонидан тасдиқланган кўрсатмага мос келиши керак.

ҲАКАМ ЁРДАМЧИЛАРИ.

Мажбурияти.

Иккита ҳакам ёрдамчиси тайинланади ва уларнинг вазифасига (ҳакам қарорига боғлиқ) сигнал бериш киради:?

- Қачонки тўп майдон чизиғидан ташқарига тўлиқ чиқса.
- Қайси жамоа бурчак тўпи, дарвозадан зарба ёки тўп ташлаш ҳуқуқига эга.
- Қачон ўйинчи ўйиндан ташқари ҳолатда бўлганлиги учун жазоланади.
- Қачонки ўйинчи алмаштириш тўғрисида илтимос бўлса.
- Ҳакам кўриш майдонидан ташқарисида юз берган интизомсиз ҳуқуқ ёки бошқа ҳар қандай ҳолатлар бўйича.
- Қачонки қоида бузилиши содир этилганда бош ҳакамдан кўра шу жойга ҳакам ёрдамчилари яқин бўлган ҳолатларда (қисман жарима майдонида юз берган қоида бузилишлари ҳам киради.)
- Шундай ҳолларда яъни қачонки 11м жарима тўпи бажарилаётганда дарвозабон тўпга зарба берилишидан олдин жойидан олдинга силжиса, тўп эса чизикни кесиб ўтса.

Ёрдам.

Ёрдамчилар ҳакамга матчни ўйин қоидасига мос утказилишига ёрдам берадилар. Ёрдамчилар 9,15м масофасига риоя қилишига ёрдам бериш учун майдон доирасига кириш мумкин .

Ҳакам ўз ёрдамчисини асосланмаган аралашув ёки қупол муомала ҳолатларида вазифасидан озод қилади ва тегишли ташкилотга билдиришнома беради.

МАТЧ ДАВОМИЙЛИГИ.

Ўйин вақти.

Ўйин 45 минутдан 2 тайм давом этади. (агар ҳакам ва икки жамоа вакиллари бошқа вариантни келишмаган бўлса) Ҳар қандай ўйин вақтини ўзгартириш тўғрисидаги келишувга (масалан ёруғликнинг етишмаслиги сабабли ҳар қайси таймнинг 40 минутгача қисқартирилиши) ўйин бошлангунга қадар эришилган бўлиши керак ва бу ҳолат мусобақа талабларига жавоб бериши керак.

Таймлар оралиғидаги танаффус.

Ўйинчилар 2 тайм оралиғида танаффус олишларига ҳақлари бор. Тайм оралиғидаги танаффус 15 минутдан ошмаслиги керак. Мусобақа тартибида

таймлар оралиғидаги танафус вақти кўрсатилган бўлиши керак. Таймлар орасидаги танафуснинг давомийлиги фақат ҳакамнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Қушиб берилган вақт.

Қуйдаги ҳолатларга кетган вақт икки таймнинг ҳар қайсисига қўшиб берилади.

- Ўйинчиларни алмаштиришга.
- Ўйинчининг жароҳатини жиддийлигини аниқлашга.
- Жароҳатланган ўйинчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун уларни майдон ташқарисига олиб чиқишга.
- Қасддан ўйин вақтини чузиш
- Бошқа ҳар қандай ҳолатларда.

Қўшиб берилган вақтнинг давомийлигини фақат ҳакам аниқлайди.

11- Метрлик тўп.

Ҳар қайси икки таймнинг асосий вақтнинг охириги дақиқасида ёки қўшиб берилган вақтнинг охириги дақиқасида белгиланган 11 метрлик жарима тўпи учун алоҳида вақт ажратилади.

Охиригача ўйналмаган матч.

Агар мусобақа низомида бошқача ҳолатлар бўлмаса охиригача ўйналмаган матч қайта ўйналади.

Ўйин бошланиши ва янгилаши.

Дастлабки шартлар.

Матч бошланишидан олдин қуръа ташлаш ўтказилади ва жамоалардан бири дарвозани танлаш ҳуқуқини олади.

Қарши жамоа матчда бошланғич зарбани бажаради.

Қуръа ташлаш туфайли дарвозани танлаган жамоа, иккинчи таймда бошланғич зарбани бажаради.

Матчни иккинчи таймида жамоалар дарвоза алмашадилар.

Бошланғич зарба.

Бошланғич зарба бу ўйинни бошлаш ёки ўйинни янгिलाш учун қўлланиладиган усулдир.

- 1.Матч бошида.
- 2.Урилган голдан сўнг.
- 3.Иккинчи тайм бошида.

Бошланғич зарбани бажариш ҳолатлари.

- 1.Ҳамма ўйинчилар ўз майдонида бўлишлари керак.
- 2.Бошланғич зарбани бажариш ҳуқуқини қўлга кирита олмаган жамоа ўйинчилари тўп ўйинга киритилмагунча тўпдан 9,15м масофа узоқликда туришлари керак.
- 3.Тўп ҳаракатсиз ҳолатда майдон марказида туради.
- 4.Ҳакам сигнал беради.
- 5.Тўпга зарба берилиб тўп олдинга ҳаракатлангандан сўнг тўп ўйинда ҳисобланади.

6. Бошланғич зарбани бажарган ўйинчи тўп бошқа ўйинчига тегмагунча иккинчи марта тегишга ҳаққи йўқ.

Жамоалардан бири гол ургандан сўнг бошланғич зарба бошқа жамоа ўйинчиси томонидан бажарилади.

Қоида бузилиши ва жазо.

Агар бошланғич зарбани бажарган ўйинчи тўпга бошқа бир ўйинчи тегмасидан олдин иккинчи марта тегса .

1. Қоида бузилган жойдан рақиб жамоа ўйинчисига эркин тўп тегиш ҳуқуқи берилади.

Ҳар қандай бошланғич зарба бажариш тартиби бузилганда:

* бошланғич зарба қайтарилади.

Баҳсли тўп.

«Баҳсли тўп»-- бу тўп ўйинда бўлган вақтда ўйин қоидасида кўзда тутилмаган ҳолат буйича вақтинчалик тухтатилгандан сунг ўйинни янгилаш усулидир.

Баҳсли тўпни бажариш ҳолати.

Ҳакам ўйинни тўхтатганда тўп қаерда бўлса ўша жойдан тўпни ташлаб беради. Тўп ерга тегиши билан ўйин давом этирилади.

Қоида бузилиши ва жазо.

Баҳсли тўп қайта ўйналади:

- Агар ўйинчи тўп ерга тегмасидан олдин тегса.
- Агар тўп ерга теккандан сўнг майдон ташқарисига чиқиб кетса ва бунда ҳеч қайси ўйинчи тўпга тегмаган бўлса.

Мухим ҳолатлар.

Химояланувчи жамоа фойдасига унинг дарвоза майдони чегарасида эркин ёки жарима тўпи белгиланса дарвоза майдонининг ҳар қандай нуқтасидан бажарилади.

Хужум қилувчи жамоа фойдасига белгиланган рақиб жамоа дарвоза майдони чегарасидаги эркин тўп дарвоза майдони чизиғидан қоида бузилган жойга яқин нуқтада бажарилади.

Дарвоза майдони ичида вақтинчалик тухтатишдан сунг ўйинни янгилаш учун қўлланиладиган «баҳсли тўп», дарвоза чизиғига параллель ҳолатда дарвоза майдони чизиғида ўйин тўхтатилган вақтда тўп қаерда бўлган бўлса шу жой яқинидаги нуқтадан ўйналади.

ТЎП ЎЙИНДА ВА ЎЙИНДАН ТАШҚАРИДА.

Тўп ўйиндан ташқарида.

Тўп ўйиндан чиққан ҳисобланади агар:

- Тўп ердан ёки хаво орқали дарвоза чизигидан ёки ён чизикдан тулик кесиб ўтса.
- Ўйин ҳакам томонидан тўхтатилса.

Тўп ўйинда.

Қолган ҳамма вақтларда тўп ўйинда ҳисобланади, қуйидаги ҳолатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда.

- Тўп дарвоза устунига, тусинига ёки бурчакдаги байроққа тегиб майдонга қайтса.
- Тўп майдонда турган ҳакамга ёки ҳакам ёрдамчисига тегиб қайтса.

НАТИЖАНИ АНИҚЛАШ.

Гол.

Агар тўп икки устун оралиғи ва тусин остида дарвоза чизигидан тўлик ўтса ва бунда гол урган жамоа ўйин қоидасини бузмаган бўлса, дарвозага тўп урилган ҳисобланади.

Ғолиб жамоа.

Ўйин давомида энг кўп тўп урган жамоа ғолиб ҳисобланади.

Агар иккала жамоада тўплар нисбати тенг бўлса ёки битта ҳам тўп урилмаган бўлса бундай ўйин натижаси дуранг бўлади.

Мусобақа регламенти.

Мусобақа тартибида агар матч дуранг натижа билан тугаса қушимча вақт тайинлаш ёки халқаро йиғин томонидан тасдиқланган матч ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги вазият кўзда тутилиши мумкин.

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ХОЛАТ.

Ўйинчининг ўйиндан ташқари ҳолатда бўлиши ўзидан ўзи қоида бўзилиши бўлиб ҳисобланмайди.

Ўйинчи ўйиндан ташқари ҳолатда бўлади агар:

- Тўп ва охириги рақиб ўйинчисидан кўра рақиб дарвоза чизигига яқин бўлса.

Ўйинчи ўйиндан ташқари ҳолатда бўлмайди агар:

- У майдоннинг ўзига тегишли қисмида бўлса.
- У рақиб жамоанинг охириги ўйинчиси билан бир чизикда бўлса ёки
- У рақиб жамоанинг охириги 2 ўйинчиси билан бир чизикда бўлса.

Қоида бузилиши ва жазо

Ўйиндан ташқари ҳолатда турган ўйинчи фақат шундай ҳолларда жазоланиши мумкин, агар тўпга тегиш вақтида ёки бирор жамоадоши тўпга зарба бераётган вақтда, у ҳакамнинг фикрича ўйин фаолиятига актив иштирок этаётган бўлса, аниқроғи:

- ўйинга аралашса ёки
- рақибининг ўйнашига халақит берса ёки
- ўзининг жойлашган вазиятига кўра устунликка эга бўлса.

Қоида бузилмайди.

Ўйиндан ташқари ҳолат ҳисобланмайди агар ўйинчи тўғридан тўғри тўпни қабул қилса:

- Дарвоза майдони чизиғидан зарбадан ёки
- Ён чизикдан тўп ўйинга киритилганда ёки
- Бурчак тўпи тепилганда.

Қоида бузилиши ва жазо.

Ҳар қандай ўйиндан ташқари ҳолат қоидаси бузилганда ҳакам эркин тўп тайинлайди ва бу қоида бузилган жойдан рақиб жамоа ўйинчиси томонидан амалга оширилади.

ҚОИДА БУЗИЛИШИ ВА ИНТИЗОМСИЗ ЎЙИНЧИЛАР ХУЛҚИ.

Қоида бузилиши, таъқиқланган усулларнинг қўлланиши, тартибсиз ўйинчилар хулқи қуйидагича жазоланади.

Жарима тўпи.

Ўйинчи қуйидаги 6 ҳолатдан бирортасини амалга оширса ва бунда ҳакам ўйинчининг ҳаракатини эҳтиётсизлик ёки ўта жисмоний зўравонлик деб баҳоласа жарима тўпга тепиш ҳуқуқи рақиб жамоага берилади :

- Рақибга оёқ билан зарба бериш ёки зарба беришга ҳаракат қилиш.
- Чалиб юбориш ёки чалиб юборишга ҳаракат қилиши.
- Рақиб устига сакраш.
- Рақибга хужум қилиши.
- Рақибга қўл билан зарба бериш ёки зарба беришга уриниш ҳаракат қилиш.
- Рақибни итариш.

Жарима тўпини тепиш ҳуқуқи рақиб жамоага ҳам берилиши мумкин агар ўйинчи қуйидаги 4 та қоида бузилишига йўл қўйса.

- Рақибдан тўпни олиб қўйишда, тўпга етиб унга тегмасидан олдин рақибга тегса.
- Рақибни ушлаб қолиш.
- Рақибга тупуриши.
- Қасддан қўл билан ўйнаш (ўз жарима майдонида турган дарвозабондан ташқари)

Жарима тўпи қоида бузилган жойдан бажарилади.

11 метрлик жарима тўпи.

11- метрлик жарима тўпи юқорида кўрсатилган 10 та қоида бузилишининг ҳар қайсисида тайинланади. Агар бу ҳолатлар ўйинчи томонидан ўз дарвозаси жарима майдонида содир этилса.

Бунда тўпнинг қаерда бўлиши ҳисобга олинмайди, шу шарт биланки тўп ўйинда бўлиши керак.

Эркин тўп.

Эркин тўп тепиш ҳуқуқи рақиб жамоага берилади агар дарвозабон ўз жарима майдонида туриб қуйидаги 5 та қоидадан бирортасини бузса.

- Тўпни ташлашдан олдин, қўлида 6 секунддан ортиқ тўпни ушлаб турса.
- Тўпни ташлагандан сўнг, бошқа ўйинчи тегмасидан яна тўпни қўл билан ушласа.
- Ўз жамоадоши томонидан атайлаб оширилган тўпга қўли билан тегса.
- Ўз жамоадоши томонидан ён чизикдан ташланган тўпни қабул қилишда тўғридан тўғри қўли билан тегса.

Шундай ҳолатларда эркин тўп тайинланади, агар ўйинчи ҳакам фикрича:

- Ҳавфли ўйнаса.
- Рақибнинг ҳаракат қилишига йўл қўймаса.
- Дарвозабоннинг тўпни ташлашига ҳалақит қилса.

Қоидада кўрсатиб ўтилмаган, бошқа ҳар қандай қоида бузилишида, ўйин тўхталиб ўйинчига оғохлантириш берилади ёки майдондан чиқариб юборилади.

Эркин тўп қаерда қоида бузилган бўлса ўша жойдан бажарилади.

Интизомни бузувчиларга қўлланиладиган ҳолатлар.

Оғохлантириш билан жазоланадиган қоида бузишлар.

Ўйинчи сариқ карточка олиш билан оғохлантириш олади, агар қуйидаги етти қоидадан бирортасини бузса.

1. Спортчига хос бўлмаган хатти ҳаракатлар.
2. Ҳакам қарорига намоишкорона норозилик билдириш (сўз билан ёки ишора билан).
3. Ўйин қоидасини мунтазам бузиш.
4. Ўйинни янгидан бошлашни чўзиш.
5. Ўйинни бурчакдан, жарима ёки эркин тўп билан янгидан бошлашда талаб қилинган масофага риоя қилмаса.
6. Майдонга ҳакам рухсатсиз чиқиш ёки қайтиш.
7. Ўзбошимчалик билан ҳакам рухсатсиз майдондан кетиш.

Ўйиндан четлатиш билан жазоланадиган қоида бузишлар.

Ўйинчи қизил карточка кўрсатиш билан ўйиндан четлатилади. Агар қуйидаги етти қоидадан бирортасини бузса.

1. Ўйин қоидасининг жиддий бузилиши.
2. Зўравонлик, қуполлик хатти ҳаракатлари.
3. Рақибга ёки бошқа шахсга тупириш.
4. Атайлаб қўл билан ўйнаб, рақибнинг гол уришига ҳалақит қилиш ёки аниқ гол уриши имкониятидан маҳрум қилиш. (бу ўз жарима майдонида турган дарвозабонга тегишли эмас)
5. Эркин тўп жарима ёки 11метрлик зарба билан жазоланидиган қоида бузиш билан дарвозага ҳаракат қилаётган рақибни аниқ гол уриш имкониятидан маҳрум қилиш.
6. Ранжитадиган ҳақоратли сўзлар ёки одоб ахлоққа тўғри келмайдиган ишоралар қилса.

7. Бир матч давомида 2та огохлантириш олса

Майдондан чиқарилиб юборилган ўйинчи майдон чегарасига яқин жойлар ва техник зоналардан ҳам чиқиб кетиш керак. Қизил ёки сариқ карточка фақат ўйинчига, захирадаги ўйинчига ёки алмаштирилган ўйинчига кўрсатилиши мумкин.

ХАЛҚАРО ЎЙИН ҚАРОРИ.

Ўйинчининг рақибга, шеригига, ҳакамга, ҳакам ёрдамчисига ёки бошқа ҳар қандай шахсга нисбатан уйин майдонида ёки майдон ташқарисида огохлантиришга ёки чиқариб юборилишига олиб келадиган қоида бузиши, йўл қўйган ҳатти ҳаракатларига муносиб жазоланади.

Агар дарвозабон қўлининг ҳар қандай қисми тўпга тегса у тўпни назорат қилаётган ҳисобланади. Дарвозабон тўпни назорат қилиши деганда атайлаб тўпни эгаллаб олиши тушунилади. Агар дарвозабон тўпни эгаллашда қўлидан чиқариб юборса, майдондаги ўйинчилар тўп билан ўйнашлари мумкин.

12 Қоидага кўра ўйинчи тўпни ўз дарвозабонига калласи, кўкраги ёки тиззаси билан бериши мумкин. Лекин ўйинчи ҳакам фикрича атайлаб усталик билан хийла ишлатиб қоидани айланиб ўтмокчи бўлса (тўп ўйинда бўлган вақтида) бу спортга хос бўлмаган ҳаракат ҳисобланади ва ўйинчи сариқ карточка кўрсатиш билан огохлантириш олади ва рақиб жамоа қоида бузилган жойдан эркин тўп тепиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўйинчи эркин ёки жарима зарбасини бажараётганда атайлаб усталик билан хийла ишлатиб қоидани айланиб ўтмокчи бўлса спортга хос бўлмаган ҳаракати учун бунда улар сариқ карточка кўрсатиш билан огохлантириш олади. Зарба қайтарилади.

Тўпни орқадан олиб қўйишда рақибнинг хавфсизлигига таҳдид солиниши, жиддий қоида бузилиши сифатида жазоланиши керак.

Майдонда ҳакамни алдаш учун ишлатилган ҳар қандай муғамбирлик айёрлик спортчига хос бўлмаган ҳатти ҳаракат сифатида жазоланади.

ЖАРИМА ВА ЭРКИН ЗАРБАЛАР.

Зарба хиллари.

Зарбалар жарима ёки эркин зарбага бўлинади.

Жарима зарбасида бўлганидек худди шундай эркин зарбада ҳам тўп зарба бажарилаётганда ҳаракатсиз ҳолатда бўлиши керак, зарбани бажараётган ўйинчи эса тўп бошқа ўйинчига тегмагунча иккинчи марта тўпга тегишга ҳаққи йўқ.

Жарима зарбаси.

- Агар тўп жарима зарбасидан сўнг тўғридан тўғри, қарама қарши жамоа дарвозасига тушса, гол ҳисобланади.
- Агар тўп жарима зарбасидан сўнг тўғридан-тўғри ўз дарвозасига тушса қарама-қарши жамоа бурчак тўпини тепишни қўлга киритадилар.

Эркин зарба. (СИГНАЛ) -Ҳакам қўлини боши тепасига кўтарган ҳолда эркин зарба ҳақида сигнал беради. У қўлини шу ҳолатда зарба бажарилиб тўп бирон бир ўйинчига тегмагунча ёки ўйиндан чиқмагунча ушлаб туради.

Тўпнинг дарвозага тушиши.

Тўп фақат шу ҳолатда ҳисобланиши мумкин, агар зарбадан сўнг ва дарвозага тушишдан олдин бошқа ўйинчига тегса.

*Агар эркин зарбадан тўп тўғри қарама-қарши жамоа дарвозасига тушса, дарвозадан зарба тайинланади.

*Агар эркин зарбадан тўп тўғридан - тўғри ўз дарвозасига тушса қарши жамоа бурчак зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.

Жарима ва эркин зарба бажарилиш жойи .

Жарима ёки эркин зарба жарима майдони доирасида :

Химояланувчи жамоа томонидан бажариладиган жарима ёки эркин зарба.

*Рақиб жамоанинг ҳамма ўйинчилари тўпдан камида 9,15м (10 ярд) масофада жойлашади.

*Тўп ўйинга кирмагунча рақиб жамоанинг ҳамма ўйинчилари жарима майдони ташқарисида туради.

*Қачонки тўп жарима майдонидан ташқарига чиқса, тўп ўйинда ҳисобланади.

*Дарвоза майдони доирасида бажарилиши керак булган жарима ёки эркин зарба унинг ҳар қайси нуктасида бажарилиши мумкин.

Хужумдаги жамоа томонидан бажариладиган эркин зарба.

*Рақиб жамоанинг ҳамма ўйинчилари тўпдан камида 9,15м (10 ярд) масофада жойлашади.

*Тўп ўйинда ҳисобланади қачонки тўпга зарба берилиб, у ҳаракатда бўлса.

*Дарвоза майдонида бажариш учун тайинланган эркин зарба, дарвоза чизиғига параллел бўлган дарвоза майдони чизиғида қоида бузилган жой яқинида амалга оширилади.

Жарима майдони ташқарисида бажариладиган жарима ёки эркин зарба.

*Рақиб жамоанинг ҳамма ўйинчилари тўп ўйинга кирмагунча тўпдан 9,15 м масофа узоқликда жойлашади.

*Тўп ўйинда ҳисобланади қачонки тўпга зарба берилиб у ҳаракатда бўлса.

*Жарима ёки эркин зарба қаерда қоида бузилган бўлса ўша жойдан бажарилади .

Қоида бузилиши ва жазо.

Агар жарима ёки эркин зарба бажарилаётганда рақиблардан бири тўпга рухсат берилган масофадан кўра яқинроқда бўлса.

*Зарба қайтарилади.

Химояланаётган жамоанинг ўз жарима майдонида бажараётган жарима ёки эркин зарбасидан сўнг тўп тўғридан тўғри ўйинга кирмаса.

*Зарба қайтарилади.

Майдон ўйинчиси томонидан (Дарвозабон эмас) бажариладиган жарима ёки эркин зарба .

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг зарбани бажарган ўйинга тўпга бошқа бирор ўйинчи тегмасдан олдин иккинчи маротаба тўпга тегса :(қўли билан эмас).

*Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини қўлга киритади.

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг зарбани бажарган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегмасидан олдин атайлаб тўпни қўли билан ўйнаса .

*Қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини қўлга киритади.

*Агар қоида бузилиши зарбани бажарган ўйинчи жамоаси жарима майдони доирасида юз берса, 11м зарба тайинланади .

Дарвозабон томонидан бажариладиган жарима ёки эркин зарба.

*Агар, тўп ўйинга кирганидан сўнг дарвозабон тўпга бошқа бирор ўйинчи тегмасидан олдин (қўли билан эмас) қайтадан тўпга тегса.

*Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини қўлга киритади .

Агар тўп ўйинга кирганидан сўнг дарвозабон тўпга бирор ўйинчи тегмасидан олдин атайлаб тўпни қўли билан ўйнаса .

*Қарши жамоа жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади,агар қоида бузилиши шу дарвозабон жарима майдони ташқарисида юз берган бўлса, зарба қоида бузилган жойдан бажарилади .

*Қарши жамоа жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади,агар қоида бузилиши шу дарвозабон жарима майдони ичида юз берса,зарба қоида бузилган жойдан бажарилади .

11-МЕТРЛИК ЗАРБА.

Тўп ўйинда бўлган вақтда ўйинчилар ўз жарима майдони доирасида жарима тўпи тайинладиган 10та қоиданинг бирортасини бузса шу жамоа дарвозасига 11метрлик жарима зарбаси тайинланади, 11метрлик жарима зарбасидан киритилган гол ҳисобланади. Ҳар қайси таймнинг тугашида, асосий ёки қўшимча вақт бўлишидан қатъий 11метрлик зарба учун вақт қўшиб берилади.

Тўп ва ўйинчиларнинг жойлашиши.

Тўп:

*11метрлик нуқтага жойлаштирилади.

Зарбани бажарувчи ўйинчи керакли тарзда аниқланади.

Химояланувчи жамоа дарвозабони.

*Тўпга зарба берилмагунча дарвоза чизиғида икки устун оралиғида зарбани бажараётган ўйинчига юзма-юз турган ҳолатда қолади.

Зарбани бажараётган ўйинчидан бошқа ўйинчилар туришади.

*Майдон доирасида.

*Жарима майдонидан ташқарида.

*11метрлик нуқта орқасида .

*11метрлик нуқтадан камида 9,15 м узоқликда.

Ҳакам.

*Ўйинчилар шу қоидада асосан жойларини эгалламагунча, 11м зарбани бажариш учун сигнал бермайди.

*11м зарба бажарилгани ҳақида қарор қабул қилади.

Зарбани бажариш тартиби.

*11м зарбани бажарувчи ўйинчи тўпни зарба билан тўғрига йўналтиради.

*Тўп бирор бир ўйинчига тегмагунча тўпга иккинчи марта тегмайди.

*Тўпга зарба берилиб у олдинга ҳаракат қилса,тўп ўйинда ҳисобланади.

Қоида бузилиши ва жазо.

Агар ҳакам 11м зарбани бажариш учун сигнал берса ва тўп ўйинга киргунга қадар қуйидаги ҳолатлардан бири юз берса :

Зарбани бажарувчи ўйинчи ўйин қоидасини бузса:

*Ҳакам зарбани бажариш учун имкон беради.

*Агар тўп дарвозага кирса, зарба қайтарилади.

*Агар тўп дарвозага кирмаса зарба қайтарилмайди.

Дарвозабон ўйин қоидасини бузса .

*Ҳакам зарбани бажариш учун имкон беради

*Агар тўп дарвозага кирса гол ҳисобланади.

*Агар тўп дарвозага кирмаса зарба қайтарилади.

Зарбани бажарувчи ўйинчининг жамоадоши жарима майдончасига кирса, ёки 11метрлик нуқтадан олдинга ўтса ёки нуқтанинг 9,15метрлик доирасида бўлса.

*Ҳакам зарбани бажариш учун имкон беради.

*Агар тўп дарвозага кирса зарба қайтарилади.

*Агар тўп дарвозага кирмаса зарба қайтарилмайди.

*Агар тўп дарвозабонга, дарвоза тусинига ёки дарвоза устунига тегиб сапчиб кетса ва тўпга шу ўйинчи тегса ҳакам ўйинни тўхтатади ва эркин зарба билан янгидан бошлаш ҳуқуқини қарши жамоага беради.

Дарвозабоннинг жамоадоши жарима майдонига кирса ёки 11метрлик нуқтадан олдинга ўтса ёки нуқтанинг 9,15м доирасида бўлса:

*Ҳакам зарбани бажариш учун имкон беради.

*Агар тўп дарвозага кирса гол ҳисобланади.

*Агар тўп дарвозага кирмаса, зарба қайтарилади.

Ҳимояланувчи ва ҳужумга ўтувчи жамоа ўйинчилари ўйин қоидасини бузса.

*зарба қайтарилади.

Агар 11метрлик зарба бажарилгандан сўнг:

Зарбани бажарган ўйинчи тўп бирор ўйинчига тегмасидан олдин иккинчи маротаба тўпга тегса (қўли билан эмас) .

*Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.

Зарбани бажрувчи ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегмасидан олдин қўли билан атайлаб ўйнаса:

*Қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.

Тўп олдинга ҳаракатланаётганда унга бегона буюм тегса:

* зарба қайтарилади.

Тўп дарвозабон, устун ёки дарвоза тусинидан сапчиб майдонга қайтса, ундан сўнг бегона буюм ёки бирор шахс тегса:

*Ҳакам ўйинни тўхтатади. Тўпга бегона буюм ёки бирор шахс теккан жойдан, «бахсли тўп» билан ўйин янгиланади.

ТЎПНИ ТАШЛАШ.

Тўпни ташлаш ўйинни янгидан бошлаш усули ҳисобланади.

Тўғридан тўғри тўпни ташлашдан сўнг урилган гол ҳисобланмайди.

Тўпни ташлаш тайинланади.

- Қачонки тўп тўлиқ ён чизикни ердан ёки хаводан кесиб ўтса.
- Тўп ён чизикни кесиб ўтган жойда.
- Тўпга охириги теккан ўйинчининг рақиб жамоасига.

Тўпни ташлаш ҳолати.

Тўпни ташлаш вақтида ўйинчи.

- Майдонга юзи билан қараган ҳолда.
- Товоннинг бир қисми ён чизикда бўлади ёки ён чизикнинг ташқарисида бўлади.
- Тўпни ташлашни икки қўллаб амалга оширади.
- Тўп бош орқасидан ҳаракатга келтириб ташлайди.

Тўп ташлашни бажарган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегмасидан олдин яна тегиши мумкин эмас. Тўп майдонга тушиши биланоқ ўйинда ҳисобланади.

Қоида бузилиши / Рухсат бериш.

Тўпни ўйинчи томонидан ташланиши:

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг тўп ташлашни амалга оширган ўйинчи тўп бошқа бирор ўйинчига тегмасдан олдин(қўл билан эмас) яна тўпга тегса:

- Қарши жамоага қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқи берилади.
- Агар тўп ўйинга киргандан сўнг тўп ташлашни амалга оширган ўйинчи, тўп бошқа бирор ўйинчига тегмасидан олдин атайлаб қўли билан ўйнаса.
- Қарши жамоага қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқи берилади.
- Агар қоида бузилиши тўп ташлашни бажарган ўйинчи жарима майдонида юз берса, 11 метрлик зарба тайинланади.

Тўпни дарвозабон томонидан ташланиши.

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг дарвозабон тўп бошқа бирор ўйинчига тегмасдан аввал яна тўпга тегса (қўл билан эмас).

- Қарши жамоага қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқи берилади.

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг дарвозабон тўп бошқа бирор ўйинчига тегмасдан олдин атайлаб қўли билан ўйнаса

- Қарши жамоага жарима зарбасини бажариш ҳуқуқи берилади, агар қоида бузилиши дарвозабоннинг жарима майдонидан ташқарисида юз берса, бунда зарба қоида бузилган жойда амалга оширилади.
- Қарши жамоага эркин зарба бажариш ҳуқуқи берилади, агар қоида бузилиши дарвозабоннинг жарима майдони доирасида юз берса, бунда зарба қоида бузилган жойда амалга оширилади.

Агар рақиб ҳалол бўлмаган усул билан тўп ташлашни амалга ошираётган ўйинчини диққатини чалғитса ёки ҳалақит берса.

- Бундай ўйинчи спортга хос бўлмаган ҳатти ҳаракати учун сарик карточка кўрсатиш билан огохлантириш олади.

Шу қоиданинг бошқа ҳар қандай бузилишида:

- Қарши жамоа ўйинчиси тўп ташлашни амалга оширади.

ДАРВОЗАДАН ЗАРБА.

Дарвозадан зарба ўйинни янгилаш усули ҳисобланади,

Дарвозадан зарба туфайли тўғридан тўғри рақиб дарвозасига тўп кирса гол ҳисобланади.

Дарвозадан зарба тайинланади қачонки:

- Тўп охирги марта ҳужум қилаётган жамоа ўйинчисига тегиб дарвоза чизиғини ердан ёки ҳаводан кесиб ўтса, лекин агар бунда 10 – қоидадан келиб чиқиб гол урилмаган бўлса.

Дарвозадан зарбани бажариш тартиби.

- Зарба химояланувчи жамоа ўйинчиси томонидан дарвоза майдон доирасининг ҳар қандай нуқтасида амалга оширилади.
- Рақиблар тўп ўйинга кирмагунча жарима майдони доирасининг ташқарисида туришади (қолади).
- Зарбани бажарган ўйинчи тўп бирор бир ўйинчига тегмасдан олдин, иккинчи марта тўп билан ўйнаши мумкин эмас.
- Тўп тўғридан тўғри жарима майдони доирасидан ташқарига чикса тўп ўйинда ҳисобланади.

Қоида бузилиши ва жазо.

Агар дарвозадан зарба бажарилгандан сўнг тўп жарима майдони доирасини тарк этмаса (ташқарига чиқмаса).

- Зарба қайтарилади.

Дарвозадан зарба майдон ўйинчиси томонидан бажарилса (дарвозабон томонидан эмас).

Агар тўп ўйинга киргандан сўнг зарбани бажарган ўйинчи тўп бирор бир ўйинчига тегмасдан олдин иккинчи марта тўпга тегса (қўл билан эмас):

- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.

Агар тўп ўйинга кирганидан сўнг зарбани бажарган ўйинчи тўп бирор бир ўйинчига тегмасдан олдин атайлаб қўли билан ўйнаса.

- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар қоида бузилиши зарбани бажарган ўйинчининг жарима майдони доирасида юз берса, 11 метрлик зарба тайинланади.

Дарвозадан зарба дарвозабон томонидан бажарилса.

- Агар тўп ўйинга киргандан сўнг дарвозабон тўп бирор бир ўйинчига тегмасидан олдин иккинчи марта тегса (қўл билан эмас).
- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар тўп ўйинга кирганидан сўнг дарвозабон тўп бирор бир ўйинчига тегмасдан олдин атайлаб қўли билан ўйнаса.
- Агар қоида бузилиши дарвозабоннинг жарима майдони доираси ташқарисида юз берса қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар қоида бузилиши дарвозабоннинг жарима майдони доирасида юз берса, қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.

Шу қоиданинг бошқа ҳар қандай бузилишида: Зарба қайтарилади.

БУРЧАК ТЎПИ.

Бурчак зарбаси ўйинни янгидан бошлаш усулидир.

Бурчак зарбаси туфайли тўғридан тўғри урилган гол ҳисобланади, лекин фақат шу ҳолатдаки, агар тўп рақиб жамоа дарвозасига урилган бўлса.

Бурчак тўпи тайинланади қачонки:

- Тўп охирги марта, химояланаётган жамоа ўйинчисига тегиб дарвоза чизиғини ердан ёки хаводан кесиб ўтса, лекин агар бунда 10 қоидага мос равишда гол урилмаган бўлса.

Бурчак тўпини бажариш тартиби.

- Тўп бурчак байроғи яқинидаги белгиланган қисми (сектор) ичига ўрнатилади.
- Рақиблар тўпдан 9,15 м масофа узоқликда жойлашади. (тўп ўйинга кирмагунча)
- Тўпга зарбани ҳужумдаги жамоа ўйинчиси амалга оширади.
- Қачонки тўпга зарба берилиб ва у ҳаракатда бўлса тўп ўйинда ҳисобланади.
- Зарбани бажарган ўйинчи тўп бошқа ўйинчига тегмагунча иккинчи марта тўпни ўйнаши мумкин эмас.

Қоида бузилиши ва жазо.

Бурчак зарбаси майдон ўйинчиси томонидан бажарилса (дарвозабон томонидан эмас).

- Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг зарбани бажарган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегишидан олдин, иккинчи марта тўпга тегса (қўли билан эмас)
- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бериш ҳуқуқини олади.
- Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг зарбани бажарган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегишидан олдин атайлаб қўли билан ўйнаса.
- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар қоида бузилиши зарбани бажарган ўйинчининг жарима майдони доирасида юз берса, 11 метрлик зарба тайинланади.

Дарвозабон томонидан бажариладиган бурчак тўпи.

- Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг дарвозабон тўп бошқа ўйинчига тегмасидан аввал иккинчи марта (қўли билан эмас) тегса:
- Қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг дарвозабон тўп бошқа ўйинчига тегмасдан аввал атайлаб қўл билан ўйнаса.
- Агар қоида бузилиши дарвозабоннинг жарима майдони доирасининг ташқарисида юз берса, қарши жамоа қоида бузилган жойдан жарима зарбасини бажариш ҳуқуқини олади.
- Агар қоида бузилиши дарвозабоннинг узининг жарима майдонида юз берса, қарши жамоа қоида бузилган жойдан эркин зарба бажариш ҳуқуқини олади.

Шу қоиданинг бошқа ҳар қандай бузилишида:

- Зарба қайтарилади.

МАТЧ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ.

11м нуқтадан зарбаларни бажариш ва олтин гол – бу мусобақа низомига кўра матч дуранг натижа билан тугаганда ғолибни аниқлаш учун қўлланиладиган усулдир.

Олтин гол.

Тартиб.

- Асосий ўйин вақти тугагандан сўнг тайинланган қўшимча вақт давомида биринчи тўп урган жамоа ғолиб деб эълон қилинади.
- Агар тўп урилмаса, унда матч ғолиби 11 метрлик нуқтадан бажариладиган зарбалар ёрдамида аникланади.

11 метрлик нуқтадан зарбалар.

- Ҳакам зарбалар уриладиган дарвозани танлайди.

- Ҳакам биринчи зарбани бажарувчи жамоани аниқлайдиган куръа ташлашни ўтказди.
- Ҳакам амалга оширилган зарбаларни рўйхатга олади (қайд этади).
- Келишилган қуйидаги шартларга риоя қилиш шарти билан, ҳар иккала жамоа 5 тадан зарба бажаришади.
- Зарбалар жамоалар томонидан навбати билан бажарилади.
- Агар икки жамоа 5 тадан зарба бажаришдан олдин улардан бири кўпрок гол урса иккинчи жамоа эса 5 та зарбани ҳам бажариб бундай натижага эриша олмайдиган бўлса зарбаларни бажариш тўхтатилади.
- Агар 5 тадан зарба бажаргандан сўнг икки жамоа ҳам бир хил голлар сонига эга бўлса ёки битта ҳам гол урмаса, жамоалардан бири бир хил зарбалар миқдорини бажариб, иккинчисига қараганда 1 гол кўп урмагунча худди шу тартибда зарбаларни бажариш давом этирилади.
- 11 м нуқтадаги зарбаларда жароҳат олган ва кейинги ўз вазифаларини бажара олмайдиган дарвозабон, протоколга киритилган захирадаги ўйинчи билан алмаштириши мумкин, лекин шу шарт биланки унинг жамоаси мусобақа қоидаида руҳсат берилган энг кўп миқдордаги захира алмаштиришдан фойдаланмаслиги керак.
- Юқоридаги келтирилган ҳолатдан бошқа 11 м нуқтадаги зарбаларни қўшимча вақт қўшган ҳолда матч охирида майдонда бўлган ўйинчиларгина бажариши мумкин.
- Ҳамма зарбалар ҳар хил ўйинчилар томонидан бажарилади ва иккинчи марта зарбани бажариш ҳуқуқини ўйинчи олиши мумкин фақат шу ҳуқуқга эга бўлган ҳамма ўйинчилар ўз зарбаларини бажариб бўлганидан сўнг.
- Зарбани бажариш ҳуқуқига эга бўлган ўйинчи 11 м нуқтадан зарбани бажаришнинг ҳар қандай пайтида ўз жойини дарвозабон билан алмаштириши мумкин.
- 11 м нуқтадан зарбаларни бажариш вақтида майдонда фақатгина зарба бажариш ҳуқуқи бўлган ўйинчилар ва матч ҳакамлари бўлиши мумкин.
- Зарбани бажараётган ўйинчи ва икки дарвозабондан ташқари ҳамма ўйинчилар марказдаги доира ичида қолишлари керак.
- Зарбани бажараётган ўйинчи жамоаси дарвозабони, жарима майдони доираси ташқарисида дарвоза чизиғи ва жарима майдонини чегараловчи чизиқлар кесишган жойда қолиши керак.
- Қачонки жамоа ўз рақибига нисбатан кўпрок ўйинчи билан матчни тугалласа, у рақиб билан тенглашиш учун ўз ўйинчилари сонини қисқартириши ва қисқартирилган ўйинчилар фамилисига ва рақамини ҳакамга билдириши керак. Бундай маъсулият жамоа капитанига юклатилади.

ТЕХНИК ЗОНА.

Техник зона халқаро йиғиннинг 3 қоидаси (2 қарор) кўрсатилганидек стадионларда ўтказиладиган матчларда техник шахслар ва захирадаги ўйинчилар жойлашадиган қисмни билдиради. Техник зоналар ҳар хил стадионларда ўлчами ёки жойлашиши билан фарқ қилиши мумкин.

Қуйидаги қайдлар, фикрлар умумий қулланма сифатида келтирилади.

- Техник зона майдонининг ҳар иккала томонида захирадаги ўйинчилар учун ажратилган уриндикдан бошлаб ён чизиқга 1м масофа қолганда тугайди.
- Ушбу зона чегарасини билдириш учун маркировкадан фойдаланиш тавсия этилади.
- Техник зонада бўлишига рухсат берилган шахслар, мусобақа қоидасига кўра матч бошланишидан олдин аниқланади.
- Фақат бир кишига бир вақтда ўйинчиларга тактик кўрсатмалар беришга рухсат этилади ва бундан сўнг у дарров жойига қайтиши керак.
- Мухим ҳолатларни ҳисобга олмаганда жамоанинг мураббийи ва расмий кишилари техник зона доирасида қолишлари керак.

Масалан: Мураббий укаловчи (масажист) ёки мураббий врач ҳакам рухсати билан майдонга, жароҳат олган ўйинчининг ахволини баҳолашга чиқиши мумкин.

- Техник зона бўлган мураббий ва бошқа расмий кишилар ўзларини маданиятли ва етарли даражада жавобгар тутишлари керак.

4 Ҳакам.

Захирадаги ҳакам мусобақа қоидасига кўра ҳакамлик вазифасини бажаришга тайинланиши мумкин шу ҳолатдаки, агар матчнинг 3 ҳакамидан биронтаси ўз вазифасини давом эттира олмайдиган ҳолатда бўлса.

- Матч бошланишидан олдин унинг ташкил этилишига жавобгар идора аниқ ҳаракатлар тартибини эълон қилади: яъни агар ҳакам ўз вазифасини давом эттирадиган ҳолатда бўлмаса:бу вазифани захирадаги ҳакам ўзига қабул қиладими ёки ҳакамнинг биринчи ёрдамчиси.
- Захирадаги ҳакам агар ҳакам талаб қилса ҳар қандай маъмурий вазифаларни муддатдан олдин, матч вақтида ва матчдан кейин бажаришга ёрдамлашади.
- У матч давомида ўйинчиларни алмаштириш ҳолатига ёрдам беради.
- У захирадаги ўйинчиларнинг ўйин майдонига чиқишидан олдин экипировкасини текширишга ҳаққи бор. Агар улар экипировкаси ўйин қоидасига мос келмаса бу ҳақида ҳакамга маълум қилади.
- Захирадаги ҳакам ҳамма вақт ҳакамга ёрдам беради. Усигнал бериш керак шу ҳақдаким, қачонки уйинчини танишда адашилганлиги учун бошқа ўйинчи оғохлантириш олса ёки ўйинчи иккинчи оғохлантиришни олиб майдондан чиқиб кетмаса ёки ҳакам ва унинг

ёрдамчиларига куринмаётган зуравонлик ҳолатларига лекин шунда ҳам ўйинга боғлиқ ҳар қандай ҳолатларга қарор қабул қилиш ҳуқуқи ҳакамда қолади.

- Матчдан сўнг захирадаги ҳакам, ҳакам ва ҳакам ёрдамчилари кўрмаган, майдондан ташқарида юз берган ҳар қандай ноҳўя ҳаракатлар ва шунга ўхшаш ҳолатлар бўйича тегишли ташкилотга ахбарот бериши керак. Захирадаги ҳакам ҳар қандай тузилаётган ахбарот ҳақида ҳакам ва ҳакам ёрдамчиларига ҳабар қилишга мажбур. У техник зонада турган ҳар қандай шахснинг ноҳуя ҳаракатлари ҳақида ҳакамга маълумот бериш ҳуқуқига эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Футбол ўйини қоидалари. Тошкент - 2002 йил.
2. Футбол. Тошкент – 1999.
3. Спорт, ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси – Самарқанд-2003 йил.
4. Футбол мусобақа қоидалари
5. П.Н.Казаков «футбол» 1981й.

